

ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

Анжуманлар ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент электротехника алоқа институту ва «Экополис» маданий-экологик маркази томонидан «Цивилизация, экология, инсон» мавзусида халқаро жаҳон маданияти йилига бағишланган анъанавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ю. Саъдуллаев, Д. Абдуллаев, Т. Ражабов, С. Сангин, Н. Шарофуддинова каби олимларнинг «Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасидаги халқаро алоқалари», «Жаҳон маданияти тизимида экологик билимлар», «Ўзбекистон табииоти ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари» каби илмий маърузалари билан бошланди. Конференциянинг «Ўзбекистон ва жаҳон маданияти», «Экологик муаммолар ва соғлом ҳаёт тарзи», «Ҳозирги замон маънавий маданиятида экологик маърифатнинг тугган ўрни», «Экология ва телекоммуникация» каби шўбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, олимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қилди. Маъруза ва бошқа билдирилган фикрларда экологик зиддиятларни ҳал қилиш учун қулай шароит яратилаётганлиги билан бир қаторда аҳолининг экологик маданияти ва билимларини оширишдаги жиддий камчиликлар Ўзбекистон жамоатчилигини ҳавотирга солаётганлигига эътибор қаратилди. Ҳушдор экологик маданиятни шакллантириш долзарблиги ҳусусида кўплаб мулоҳазалар билдирилди. Бу мавзуда талабаларнинг ҳам маърузалар билан чиққанлиги эътиборга лойиқдир.

Конференция катнашчиларининг «Маънавиятнинг ривожини» ва «Экология таълим тизимининг шаклланиши» муаммолари, вазифалари, истиқболлари-га бағишланган семинари қизгин баҳсларга сабаб бўлди.

Анжуман қабул қилган қарорда экологик таълим беришда ўқув-методик қўлланмаларни чоп этиш бўйича дастурларни тайёрлаш, глобал муаммоларни ёритишнинг ахборот тадбирлари, ёш авлоди экология муаммоларини ҳал қилишга жалб қилиш, техник йўналишдаги олий ўқув юрталарида талабалар диплом лойиҳаларининг мажбурий қисми сифатида экологик мавзу бўйича боб киритиш зарурлиги, эколог мутахассислар малакасини ошириш, Тошкент шаҳар санитар ҳолатини бузган фуқароларга нисбатан қатъий чоралар кўришга эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши муаммолари, аҳоли экологик маданиятини кучайтириш ва янада ривожлантириш масалаларига бағишланган анъанавий илмий-амалий конференция ўтказишни давом эттиришга қарор қилинди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган № 59 (9.251) 1999 йил 24 май, душанба Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат-шафқат ва саломатлик жамғармасининг мажлиси бўлди. Унда бир қатор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ҳомий ташкилотлар раҳбарлари, жамғарма вилоят бўлимлари раислари иштирок этди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1998 йил ёзи мавсумида болаларнинг дам олиши ва уларнинг соғлигини тиклаш яқунлари ҳамда 1999 йил ёзи соғломлаштириш мавсумига тайёрларлик ва уни ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган кенгаш бўлди.
- Республика Меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг «ПДАФФ-ЗИНГЕР» концерни ҳамкорлигида яқинда Тўрақўрғон туманидаги аҳоли зич жойлашган Бурамаут қишлоғида «Бизин-трэд» масъулияти чекланган қўшма корхона ишга туширилди.
- Бўлиб Ўзбекистон Бадий академиясида голланд расмчиси Рональд Клевернинг ижоди юзасидан матбуот конференцияси ўтказилди. Эртага шу ерда расмнинг шахсий кўргазмаси намойиш этилади.
- Шаҳрсаба ва Китоб туманларида Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилишга бағишланган икки кунлик республика худудий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.
- Жизза вилоят ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юрталари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида ўтказилган кўрик-танловда индустриал техникунининг ёш ҳуқуқшунослари мутлақ ғолиб деб топилди.
- Паркент туманидаги «Кўшчино» маданият ва истироҳат боғида Аёллар йили мубоабати билан «Аёл маънавияти» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.
- Вилоятимизда мактабгача тарбия муассасаларида ўтаётган «Соғломжон — полвонжон» мусобақаси якунланди.
- Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази ҳамда халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлимлари ҳамкорлигида эълон қилган танлов «Аждодлар ёди» деб номланди.
- 26-30 май кунлари Мудофаа вазирлигининг спорт залида волейбол бўйича аёллар терма жамоалари ўртасида «Микассо» кубоги мусобақалари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

- Киевда ўзбек — украин давлатлараро комиссиясининг йиғилиши низоҳасига етди. Унда икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Бош вазир Уткир Султонов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.
- Кеча Чимкентда Ўрта Осиё мамлакатларининг спорт фестивали бошланди.
- Россия Президенти Борис Ельцин икки ҳафталик дам олиш учун Сочига жўнаб кетди.
- Эртада Остонада Қозоғистон парламенти палатасининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.
- Франциянинг Па-де Кале шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик боксчилар иккита олтин, битта бронза медалини қўлга киритдилар.
- Қоҳирадаги Америка университетиде биринчи марта Мисирнинг турли ўқув юрталарида таълим олаётган Ўзбекистон талаба ёшларининг вакиллари иштирок этган халқаро кун ўтказилди.
- Исроил рақ шашларини эрта аниқлаш йўлида муҳим қадам қўйди. Исроиллик шифокорлар Игорь Зусман ва Рикви Зусманларнинг таъкидлашига қараганда қон таҳлили ёрдамида беморда рак шийи пайдо бўлганлигини ёки келажакда пайдо бўлиши ҳақиқи борлигини аниқлаш мумкин.
- Тель-Авив Камер-театрининг «Кўзголон кўтарганлар» спектакли йилнинг энг яхши спектакли деб топилди.
- Археологлар томонидан XVI асрда оттоман ҳукмрони томонидан бунёд этилган Шхем (Дамашк) дарвозалари орқасида Рим дарвозаси топилди.
- Шу ойннинг охирида Олмониянинг Эссен шаҳрида сув спорти — ватерпол бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Македониянинг Скопье шаҳрига келди. У мазкур минтақада тулганлар қочқоқлар муаммоси билан танншади.
- Литва раҳбари Валдас Адамкуснинг таклифига биноан Олмония Президенти Роман Херцог икки кунлик ташриф билан Литвада бўлди.

САҲЪАТ САРОЙИДА — ЕВРОПА ФИЛЬМЛАРИ

Ўтган шанба кунини А. Навоий номидаги Саҳъат саройида Италия ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихоналари, Гете институти ва Британия кенгаши ваколатхоналари ташаббуси билан ўтказилган Европа кинолари фестивали ўз ишини бошлади.

Саҳъат кун давомида саҳъат иҳлосмандлари республикамизнинг энг яхши кинотеатрида Буюк Британия, Германия, Франция, Италия каби етакчи Европа мамлакатларининг биз учун яхши таниш бўлмаган режиссёрлари асарлари билан танишадилар.

— Бу биз режалаштириётган жаҳон киностудиялари фильмларини намойиш этиш катта лойиҳамизнинг бошланғичи, — деди биз билан суҳбатда Саҳъат саройи директори Обид Холиқов. — Келгусида Ер кўрриси бутун китъаларида яратилган энг яхши кинотасмалар билан ишқибозларни баҳраманд этмоқчимиз.

Фестиваль Германия ва Буюк Британия киностудияларининг фильмлари билан очилди. Уйлаймики, жаҳон киносининг ижодий лабораторияси ҳисобланган Европа фильмлари ҳамшаҳарларимизда катта қизиқиш уйғотади.

Флора ФАХРУТДИНОВА



«Шарқ Гули» хиссдорлик жамияти «евроларни» аёллар йилида янги махсулот турларини яратиб, харидорларга манзур этмоқда. СУРАТДА: поп-оҳи бошлиғи Мавлӯма Самигова шогирдлари ишларини кўздан кечиримоқда. Рашид Галиев олган сурат.

Ёшлар — келажакимиз

ДАВРА СУҲБАТИ — ЖАҲОН ТИЛЛАРИДА

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетиде таржима факультети ва ижтимоий фанлар кафедралари ташаббуси билан Республика Президенти Исроим Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Баркамол авлод орзуси», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» каби асарлари юзасидан талабаларнинг жаҳон тилларидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида сўзга чиққан Абдулла Мамажонов /олмон тилида/, Фарход Нурмурад /хитой

тилида/, Омон Мўминов /француз тилида/, Наташа Фарсиянц /инглиз тилида/, Камалиддин Рабимов /араб тилида/, Даврон Бобоев /испан тилида/, Ширин Валиева /турк тилида/, Лола Иномова /инглиз тилида/, Елена Довчер /рус тилида/ каби талабалар Президент асарларидан парчалар келтириб, уни мисоллар билан бойитдилар, тушунтирдилар. Сўзга чиққан факультет декани Омон Мўминов, тарихчи олимпиа Лол Шукурова тил талаб-

лари, ижтимоий—сиёсий адабиётлар талаблари нуктаи назаридан матнлар юқори даражада таржима қилинганлигини, талабалар катта лўғат ва сўз бойлигини намойиш қилганлигини таъкидладилар. Чет тилларини ўрганаётган талабалар ўз она тиллари бўлган ўзбек тилининг бой имкониятларини чуқур эгаллаётганликларини ҳам ўзларининг нуктлари орқали намойиш қилдилар.

Хусан НАЗАРОВА

ЎҚУВ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШ Халқаро Ривожланиш Агенсияси ва Америка Халқаро соғлиқни сақлаш жамияти 2-Тошкент давлат тиббиёт институти ва Чикагодаги Иллиной университети тиббиёт маркази ўртасида имзоланган меморандумга асосан 2-Тошкент давлат тиббиёт институтида тез тиббиёт ёрдам бўйича ўқув маркази ташкил этилади.

Шифокор, ўрта тиббиёт ходимлари ҳамда ҳайдовчилардан иборат бўлган дастлабки тингловчилар Ашгабад, Владивосток шаҳарлари, Техас штатининг Остин шаҳрида ўз малакаларини ошириб келган мутахассислардан сабоқ оладилар.

Хилола НОСИРОВА

Саноат

ЁТОҚХОНА МЕБЕЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Тошкентмебель» хиссдорлик жамияти қонида ташкил этилган «Дневиде» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ётоқхона мебеллари тўплами нарқат мамлакатимиз, балки қўшни мамлакатлар харидорларининг ҳам эътиборини тортмоқда.

Қўшма корхонада ҳозирда 75 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Италиядан келтирилган замонавий ҳамда юксак унумли дастгоҳларда бу ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнатлари эвазига «Мадина» деб номланган ётоқхона термаси ишлаб чиқарилоқда.

— Ўтган йили 87 миллион сўмлик махсулот тайёрладик ва декабрь ойидан бошлаб махсулотларимизнинг бир

қисмини Қозоғистон давлатида очилган «Тошкентмебельнинг «Савдо уйи» орқали Хамдўстлик мамлакатларига сота бошладик, — дейди қўшма корхона раҳбари Корбилжон Яхёев. — Жорий йилдан бошлаб иш ҳажми янада кенгайди, буюртмачиларимиз сафи орта борди. Шу боис ҳам бу йил 270 миллион сўмлик мебель махсулотлари ишлаб чиқариш режамиз бор. Энг асосийси, бугунги хари-

дор дидининг юксаклигини ҳисобга олиб замонавий ва рақобатбардор мебель ишлаб чиқаришни кўзда тутганмиз. Корхонада латвиялик ҳамкорлар билан алоқа кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Улар билан ҳамкорликнинг яна бир самараси бўлган «Шарқ-Риетум» қўшма корхонаси бунинг яққол далилидир. Қўшма корхона тузишдан асосий мақсад — хориж сарможаларини мамлакатимизга олиб кириб сифатли хом ашёдан рақобатбардор махсулотлар тайёрлаш, харидорлар талабидан келиб чиқиб мебеллар ишлаб чиқариш ва энг асосийси жаҳон бозорини муносиб ўрин олиб, республикамизга валюта тушумини қўпайтиришдир.

Дилноза ФИЁСОВА

Таълим

ОЛИМПИАДА

ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистонда чет тиллар бўйича республика талабалар олимпиадасини ўтказиш яхши анъанага айланди. Бу сафарги бундай маърифий тадбир ҳам катта тайёрларлик кўриш билан уюштирилди.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабалари бу билимлар синовига фаол қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар. Талабалардан А. Абдукаримов немис тили бўйича, Н. Фарсиянц инглиз тили

бўйича ва М. Кубишкена француз тили бўйича энг иқтидорли толиби илм деб топилди. Олимпиада ғолиблари биринчи даражали диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўз билим ва иқтидорини муваффақиятли намойиш этган ёшларга магистратурада ўқиш учун тавсияномалар берилди.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети олимпиаданинг команда синовига ҳам ғолибликка эришти.

Ақбар АЛИЕВ

ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ

Ҳурматли муштарийлар, эслатиб ўтамиз, иккинчи ярим йиллик учун обуна бошланяпти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»га обуна бўлиш нархи «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ хиссдорлик жамияти бўлимларида:

	1 ойга	3 ойга	6 ойга
якка обуначилар учун: (инд 209)	270 сўм	810 сўм	1620 сўм
ташкилотлар учун: (инд 563)	520 сўм	1560 сўм	3120 сўм

«Тошкент оқшом»га обуна бўлиш нархи «Тошкент почта» хиссдорлик жамияти бўлимларида:

	1 ойга	3 ойга	6 ойга
уйга а/хўтисига	уйга а/хўтисига	уйга а/хўтисига	
якка обуначилар учун	287	250	861 750 1722 1500
ташкилотлар учун	681	578	2043 1734 4086 3468

Бундай нархларда «Оқшом»га фақат пойтахтликлар обуна бўлишлари мумкин. Республика бўйича «Оқшом»га барча алоқа бўлимларида обуна расмийлаштирилади. Газетамизга обунани расмийлаштириш учун газетхонлар турар жойларига қарашли алоқа бўлимларига мурожаат этишлари мумкин, у ерда уларга обуна нархи маълум қилинади.



БОЛАЛАР УЧУН СУВ ҲАВЗАЛАРИ

Ёшлар — келажакимиз. Уларни жисмонан баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамияти катта. Бунинг яхши тушунган Ҳамза тумани Халқ таълими бўлими ёшлар учун турли-туман спорт комплексларини бунёд этиб,

уларни хушнуд этишяпти. Яқинда туманининг генерал Петров кўчасида жойлашган 34-болалар боғчаси ва Янгибод даҳасидаги 230-мактабда қурилган сув ҳавзалари кичикинтойлар ихтиёрига топширилади.

Гулбахор МҲМИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг тергов гуруҳи томонидан 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида бир гуруҳ айбланувчилар томонидан содир этилган террористик актлар тўғрисидаги жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари таомланди.

Мазкур жиноят иши юзасидан 22 нафар айбланувчилар террористик актлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовузни ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганида айбландилар.

Жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди. Қўриқда кўрсатилган жиноятларга алоқадор бошқа шахсларга нисбатан тергов ва қидирув ишлари давом этмоқда.

ЖАНГАРИЛАР ЛАГЕРИДАГИ ШАҒҚАТСИЗЛИК

ТОЖИКИСТОННИНГ FARM ТУМАНИДА ЮЗ БЕРГАН ФОЖЕА

Ўтган дам олиш кунларида Тожикистоннинг Farm туманида содир этилган кенг куламли қуролли тўқнашунинг тафсилотлари аниқ бўлди. Бу тўқнашув ҳақида кеча «Время» газетаси хабар берган эди. Фожеа яқиндаги ўтар кечаси Қоратегин водийсидаги Farm ва Хоиг посёлкалари ўртасида жойлашган Жарв қишлоғида содир бўлди. Расмий Тошкентга муҳолифатда бўлган радикал ислом оқимининг таникли етакчиларидан бири Жума Намангоний гуруҳига кирувчи 25 нафар ёш ўзбек жангарилари қуролни топшириб, лагерни тарк этмоқчи бўлди. Уларнинг бундай қарорга қилишига нима сабаб бўлгани ҳозирча номаълум. Эҳтимол, Тошкентдан Ўзбекистон ҳукумати «диний экстремизмлар ташвиқоти учун», Ўзбекистонда «конституцион тузумни ағдартиш учун» қўлга қурол олган «алданган» фуқароларга мурувват кўрсатгани ҳақидаги хабар Жуманин лагерига ҳам етиб келгандир. 16 февраль кун Тошкентда содир этилган, 15 кишининг ўлимига сабаб бўлган портлашларни текшириш жараёнида Ўзбекистон ҳукумати бир неча марта ана шундай баёнот билан чиқди. «Время» газетасининг маълумотига қараганда, Тожикистон худудига жангари ўзбеклар билан уларнинг қўпчилик оила аъзолари ҳам, қарийб 70 киши бор.

«көтаётганлар»дан 18 киши ўлдирилди, бир неча киши ярадор бўлди. Душанбадан олинган хабарларга қараганда, ўт очганлардан тўрт киши Farm туманини назорат қилиб турган Бирлашган тожик муҳолифати аскарлари томонидан қўлга олинган. Бу ҳол расмий Душанбага юз берган фожеа ҳақида ҳеч қандай хабар бермаслик учун баҳона бўлди. Сабаби — ҳукумат қучлари Farmга қира олмас эмиш. Бирлашган тожик муҳолифатининг расмий вакиллари ҳам бундай тўқнашувларнинг муҳолифат тузилмаларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини рўқча қилиб, воқеани шарҳлашдан ўзини тийиб турибди. Фақат икки кун бурунгина Бирлашган тожик муҳолифатининг икки собиқ харбий командири — ҳозирда Тожикистон ҳукумати вазирлари Муҳаммадрўзи Исқандаров билан Саламшо Мухаббатов Душанбадан фожеа содир бўлган жойга йўл олди. Farmда содир бўлган фожеа Тожикистон раҳбариятининг бироз ноқулай аҳволга солиб қўйди. Сўнги ойларида Душанба ўз худудига ўзбек муҳолифати жангарилари маъжудлигини тан олмай келар эди. Бироқ Тошкент учун ҳам, Душанба учун ҳам бу воқеа «тўн ичиди» бўлгани учун у қўшни республикалар ўртасида таранглик вазиятини юзага келтирмайди, деб умид қилса бўлади.

Аркадий ДУБНОВ,
«Время — Московские новости» газетасининг 1999 йил 20 май сонидан.

Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 16 май кунини Тожикистоннинг Жиратой туманида жойлашган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний қуролли гуруҳлари ичиде рўй берган зиддият оқибатида 17 нафар киши ўлдирилган.

«Озодлик» радиосининг 21 майда берган хабарига кўра, «қуролли жангарилардан 36 нафари Ўзбекистон Президентининг ўз хатоларини тушуниб, қайтиб келган фуқароларни авф этиш борасидаги қарорни ҳамда Тоҳир Йўлдош ва унинг гуруҳининг ўз манфаатлари йўлида ислом динини нуқоб қилиб, лекин ислом дини талаб қилган қонун-қондаларга риоя этмасликлари сабабли ўз хатоларини тан олиб, Жиратой туманини тарк этиб, Ўзбекистонга йўл олганлар. Бундан газиламанан Тоҳир Йўлдош ва унинг жондор гуруҳи етакчиларидан бири бўлган, бир вақтлар Намангонда бир қанча милиция хизматлари ўлдирган Абдували Йўлдошев ушбу 36 нафардан иборат гуруҳни ўқ қилиш ҳақида буйруқ беради. Шу тариқа мазкур гуруҳнинг 17 аъзоси ярадор қилиниб, Жиратой туманининг Хисарак қишлоғида бошлари танааларидан жудо қилинган. Норасмий манбаларнинг хабарига кўра, ушбу 17 нафар киши жасадий муолажотлик қондаларига мутлақо амал қилинмаган ҳолда кўмиб ташланган».

Бандлик

БИРЖА, МАҲАЛЛА, МАКТАБ ҲАМНАФАС

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган меҳнат биржаларининг фаолияти бугунги кунда янада яққол кўзда ташлаб бормоқда. Чунки улар маҳалла, мактаб, корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, кўйингчи барча билан алоқани чамбарчас боғлаб, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа шу турдаги хизматларни амалга оширишмоқда.



мамнун бўлдик. Жойларда меҳнат ярмаркасини ўтказиб туриш жуда фойдали деб ҳисоблайман.

— Синглизим тўғри айтилар, меҳнат ярмаркасини тез-тез ўтказиб туриш керак, — дея суҳбатни давом эттирди «Катта қайи» маҳалласи оқсоқоли Қобил ака Қодиров.

— Туманимиз Тошкент вилояти Занги ота тумани билан чегарадош бўлгани учун кўп оилалар деҳқончилик билан шуғулланади. Лекин биз бу билан чегараланиб қолмай, яқин атрофдаги қорхоналар билан ҳам узвий алоқамиз. Сабаби деҳқончилик билан шуғулланмаган одам, бошқа бирор иш билан банд бўлиши керак-ку. Шу боис биржа ходими Хожия Самғова ҳафтада икки мартабта маҳалла-мида бўлиб, меҳнат қонунчилигини оид савол-жавоблар, тушунтириш ва маслаҳатлар бериб туради. Бўш иш жойлари бўлган қорхоналардан эълонлар ҳам олиб келади. Қарабсизки, маҳалла, биржа ходими ва ота-оналар ҳамкорлигида иш юритиб, бекорчи юрганлари ишлашга йўналтираемиз. Шунингдек, «Усто шогирд» услубида маҳалладаги дурадгорлар, ошпазлар, нововойлар, тикувчилар ҳеч бўлмаганда 2 — 3 нафар ўғил-қизга хунар ўратишмоқда. Бундан ташқари 2-трамвай депоси ҳамда 2-

Бу фикримиз исботини яқинда Акмал Икромов туманида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида кўрдик. Тумандаги 48 та қорхона, ташкилотларнинг вакиллари ўзларидидаги бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлари билан қатнашиб, ярмаркага ташриф буюрғонларга тўлиқ маълумот бериб боришди. 50 та маҳалланинг оқсоқоллари ўз маҳалласидаги иш ахтариб юрган фуқаролар билан, мактаб ва ўрта махсус билим юртлари эса битирувчи синф ўқувчилари билан иштирок этишди. Ярмаркада шу кўннинг ўзига 3 мингдан зиёд турли ёшдаги фуқаролар иштирок этди.

— Ўқувчиларимизнинг айни ўқишни тугаллаши арафасида бўлиб ўтган ярмарка жуда кўл келди, — дейди суҳбатдош маманинг 106-мактабининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Фарид Фуломов. — Мактабимизда 60 нафар ўғил-қиз битирувчи саналди. Уларнинг ҳаммаси келиб, қарорларга бориб ўқиш ёки хунар ўрганиш борасидаги тўлиқ маълумотларга эга бўлишди. Бу ердаги уюшқоқликни кўриб, жуда

Завар ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси
тингловчиси.



Қурилиш

ЯНГИ БИНО

Юнусобод туманининг Шаҳристон ва Обидов кўчалари кесилган жойда яна бир янги 9 қаватли бино қад кўтарди. Уни 3-контвейерли қурилиш бошқармаси бунёд-корлари тикладилар.

Қурувчилар шу йилнинг март ойида 96 оилага мўлжалланган бинони фойдаланишга топширган эдилар. Орадан икки ойлик мудат

ўтиб эса улар яна бир 9 қаватли бинони эгаларига тўх-фа этдилар.

Бу ушбу ҳудудда тикланган 5-қўп қаватли бино ҳисобланади.

Шаҳноза ИНОҒОМОВА.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИКАРИШТИЖОРАТ ФИРМАСИ РАҲБАРИ:

— Фирмамиз 3 йилдан бунён фаолият кўрсатиб, умуман мамлакатимизда бунёд-корлик ишларининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қурилиш учун зарур хом ашёлар — гипс, албастр, қурилиш шаклловчаси ишлаб чиқарамиз. Албатта, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун ҳоржий шерик билан ишлаш ниятимиз бор. Ўйлайманки, ўтказилган кўргазма-ярмарка бизга катта ёрдам беради.

● Тохир ИМОМОВ, қурувчи:

— Қасбим қурувчи бўлгани учун ҳам бу ерга ўзим қизиқиб келдим. Тўғриси, пойтахтимизда шундай қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган жамоалар борлигини кўриб дилдан қувондим. Албатта, уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Чунки улар қурилиш бозорига ўз ўрини топсалар, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқарсалар, четдан маҳсулотлар олиш камайди. Бу албатта, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Шарифа ИЛЕСОВА,
СУРАТЛАРДА: кўргазма-ярмаркадан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Николай ХАБАРОВ, «Хабар-Паркет» хусусий фирмаси директори:

— Бундай кўргазмада биринчи бор қатнашдик. Ундан жуда яхши таассурот олдик. Хусусий қорхонамиз ёғочни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, асосан шитли бадий паркет, плитус, штапиклар ва рейкалар ишлаб чиқарамиз. Албатта, маҳсулотларимизга қизиқувчилар кўп билди. Ҳамда иштирокчилар билан мулоқотда жуда кўп нарсаларни ўргандик. Бу ишимиз ривожига ёрдам беради деб ўйлайман.

● Суннатилла ХОШИМОВ, «Хошимжон ҳожи»

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти мамлакатлари сингари XXI асрга интилмақда. Бугун Ўзбекистон янги асрга қандай интилаётганини, унинг мақсадлари аниқ ва Президент И. Каримовнинг Олий Мақсиди XIV сессиясини маърузасида ўзининг аниқ ифодасини топди. Унинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмақда» деб номланишида ҳам ўзига хос маъно ва моҳият мужассам.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон халқи келгуси асрга нималар билан боради? Ўз ҳаётини қандай йўллар билан яхшилайдиган ҳамда қандай муаммоларнинг ечимига алоҳида эътиборни қаратиши аниқ белгилаб берилди.

Бу аввало мустақиллик шарофати билан халқимизнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, эркин, демократик жамият қуриш ҳақ-ҳуқуқига эга бўлганлигида яққол намоеён бўлмоқда. Мустақилликнинг ўтган йилларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда халқимиз эришган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чўқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

мустақил тафаккурга эга бўлган қучларни қўллаб-қувватлашни уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофиза этишни тақозо этади.

Айни пайтда Тошкентда шу йил февраль ойида содир этилган воқеалар, ҳали орамизда нафақат мустақилликни чўқур идрок этолмаётган, балки унга ғайрилик билан қараётган «ёвуз» қучлар, гуруҳларнинг пинҳона тарзда «иш» олиб бораётганлигини кўрсатди. Мустақиллик ҳар томонлама мустаҳкамланиб, демократик тамойиллар чўқурлашиб борган сари бундай қучлар ўзларининг «охирги умидлари»дан ҳали воз кечмаганликлари ошқор бўлиб қолмоқда. Албатта, уларга хайрихоҳ бўлган мамлакат ичкарисиди ҳам ва у-

расигина энг тўғри ва яроқлидир. Ёлғиз угина бутун дунёга ёйилишга ҳақлидир. Бу мафқуриани бутун дунёга олиб чиқадиган ислом давлати ҳурлиси унинг муваффақияти бунга ҳам ўтмишда бўлгани каби мислсиз даражага етказди» деганида, улар нимага шама қўлаётганлигини аниқлаб этиш қийин эмас. Мустақилликни қадрлайдиган ҳар бир соғлом киши буни юракдан ҳис этади ва у Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлига, дунёвий давлат қурилиш жараёнини эркинлаштиришга мутлақо зид эканлигини аниқлайди. Бугун бундай ғоянинг ортида бир вақтлар ўзларини «демократ» қилиб кўрсатган», бугунги кунда ватанфурушлик қилиб юрган кимсаларнинг улар билан «хам-

Ўзбекистон янги аср бўсағасида ТАРИХ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

дан ташқарида ҳам топилади. Бир вақтлар ўзларини демократ қилиб кўрсатган, аммо ҳақиқий қиёфаларини «фос» этиб кўйган айрим «нусурлар» ҳам бундан мустасно эмас. Бундайлар одамда пайт пойлайди. Фурсат қутади. Ўзларига имконият яратмоқчи бўлади.

Улар, мамлакатда демократик жараёнлар қучайган сари, ошқоралиқдан кўриб, турли хил йўللари қидирмоқдалар. Айниқса, ҳали гўр, сиёсий тажрибаси етарли бўлмаган, қалбида Ватан, миллат туйғуси заиф бўлган ёшлари ва «амалпараст», аламзадалари «ёллашга», улардан фойдаланиб, мамлакатни ичдан заифлаштиришга, турли хил тарғибот-ташвиқот ишларини пинҳона олиб боришга уринмоқдалар. Маънавий қадриятимизга айланган муқаддас ислом динига зид бўлган рисола, китобларни тарқатмоқдалар, одамлар онгини захарлашга уринмоқдалар.

Албатта, одамлар бугун ҳақиқий исломнинг нима эканлигини яхши билади. Аммо, бугун «ислом низоми» «Хизбут-таҳрир» ёки «Хизбут-таҳрир»нинг «ёйилиш нуктаси» вакилларининг асл мудоаиси нима? Улар ислом «ниҳоби» билан аниқ сиёсий мафқуриларий мақсадларни қўзғатган ёки мавжуд демократик жараёнларга қарши эканлиги ошқора бўлиб қолмаптими? Ёки «Елғиз ислом мафқу-

товок» эмаслиқларига ким ишонини мумкин? Агар уларда ҳақиқий ватанпарварлик туйғуси мужассам бўлганда шундай йўлни танлармиди? Ёки ўзларини «демократ» қилиб кўрсатиб, мамлакатдаги тинч ва барқарор ҳаётни, ислохотлар жараёнини, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ тамойилларни, Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини бузиб талқин ва ташвиқ этишга жазм этармидилар? Ички ғайрилик, аламзадалик сохта демократик туйғулар ҳамда амалпарастлик иллатлари уларни шунга мажбур этмоқда.

Президент Ислам Каримов бугунги кунда мамлакатимиз учун очик ойдин турган иккита хавф-хатарга эътиборни қаратиб, уларнинг биринчиси, мамлакат ташқарисидидаги тажовузор ақидпараст қучлар бўлса, иккинчиси мустақил йўлимизни қуролмайдиган, Ўзбекистонга ўз сиёсатини ўтказишга ва ҳукронлик қилишга интилаётган қучлар эканлигини алоҳида кўрсатдилар.

Ўзбекистон мустақиллик туйғулари дунёга юз тутди. Унинг самарасини ўз ҳаётимизда ҳамда амалий фаолиятимизнинг ҳар бир жаҳасида ҳар дам кўриб туришимиз.

Тарих учун қисқа бўлган 7—8 йил ичида, Ўзбекистонни бутун дунё таниди, қадриятларимиз тиклана бошлади, она тилимиз тикланди, оқибат-

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, ўтказила бошланган иқтисодий ислохотларнинг туб моҳияти — муқим ҳақиқий эгаларига бериш асосий мезон сифатида қабул қилинди.

Шу жиҳатдан олганда, юртимизда қисқа вақт ичида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва ташкилий тузилмалари яратилди.

Республика кўчмас мулк биржаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд», «Мадад» сугурта агентлиги, консалтинг инжиниринг, лизинг ва бошқа турли хилдаги фирма ва компаниялар, бизнес-инкубаторлар шулар жумласидандир. Яқинда улар сафига Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қув-

Иқтисодиёт хабарлари

АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ РАҚОБАТ

ватлаш қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси қошида тузилган шаҳар муниципал биржа маркази келиб қўшилди.

Хўш, янги ташкил этилган марказнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Маълумки, иқтисодий ислохотларни ривожлантириш жараёнида бозор рақобати асосий омил сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга, бозор инфратузилмаларини ҳаракатга келтирувчи механизм ҳисобланади. Шу жиҳатдан Тошкент шаҳар муниципал биржа марказининг ташкил этилиши давр талаби ва замон тақозоси сифатида эътиборга молиқдир. Қолаверса, марказнинг асосий фаолияти давлат объектлари,

мулклар жами 2 миллиард сўмдан зиёдга сотилди. Қўчмас мулк биржаси ва унинг филиалларида 1998 йил мобайнида 599 та кимовиди ва 673 та биржа савдолари бўлиб ўтди. Шу давр мобайнида 10148 та турли хил мулклар 2215204 минг сўмга сотилган. Энг кўп сотув ҳажми бўйича биринчилини Тошкент филиали қўлга киритди: ундаги савдоларда жами 382327,4 минг сўмлик 507 та битим имзоланди. Кимовиди савдолари бўйича энг кўп сотув ҳажми Тошкент шаҳри зиммасига тўғри келиб, бу ерда йил давомида 246 та объект 84098 минг сўмга сотилган.

Марказ тузилгунга қадар, даромадининг 60 фоизи РК-МБ ҳисобига ўтказиб келинарди. Эндиликда тушум маблағларининг 40 фоизи Республика Кўчмас мулк биржасига ўтказилиб, 60 фоизи шаҳар муниципал биржа марказининг ўзига қолади ҳамда реклама ва бошқа керакли мақсадларга сарфланади.

Мирзаали АҚБАРОВ.

Кўргазма — ярмарка

«ПОЙТАХТНИНГ ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ»

Шаҳримиздаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг Кўргазмалар залида «Пойтахтнинг қурилиш индустрияси» кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимияти ва шаҳар Топар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан биринчи мартабта уюштирилган ушбу кўргазма-ярмаркадан кўзланган асосий мақсад шаҳримиз қурилиш соҳасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини, қурилиш соҳасининг кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик бизнеси учун реал рақобатни шакллантиришдан иборатдир.

Беш кун давом этган кўргазмада пойтахтимизда фаолият юритаётган қурилиш материаллари билан савдо қилувчи қўшма қорхоналардан тортиб, ана шундай зарур материалларни ишлаб чиқарувчи йирик қорхоналар ҳамда кичик ва ўрта, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб йўлида интилаётган тадбиркорларнинг маҳсулотлари намойиш этилди. Шу билан бирга кўргазмада инвестиция лойиҳалари, илмий ишланмалар, бўш ишлаб чиқариш майдонларидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича тақлифлар, асосб-ускуналар, омборхоналар ҳам намойиш қилинди.

Кўргазма-ярмаркани айла-

дан ортик қорхоналар иштирок этдилар. Маҳсулотларга қизиқиш ва тақлифлар ҳам кўп бўлди. Айниқса, кўргазма-ярмарка давомида ўтказилган «Замонавий ноънаванвий энергия манбаларни қурилишда амалий қўллаш, Куёш энергиясидан фойдаланган ҳолда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг қўшма тизимлари», «Манзарали ва ҳимоя қопламалари учун янги технологиялар бўйича ташқи томон эмалларнинг қўлланиши, «уй-жой ва жамоат бинолари ташқи



Қурилиш

Жонқуярларимиз

ЁШЛАР УСТОЗИ

Пойтахтимизнинг Дўмбраобод даҳасида Маърифатхон деса танимайдиган одам топилмади. Бу инсон Ойла Каюмов номли 131-мактабнинг бошланғич синфлари илмий мудираси, жаъжи фарзанд ва набираларимизнинг меҳрибон устозидир. Маърифатхон Ҳакимова шу мактабда ўн беш йилдан кўпроқ вақт давомида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У ёш авлод қалбидан чўқур жой олган ва уларга ҳарф ташитиб билим бериш билан ўқувчилар кўзларида бир умрлик муҳрларни қолган устозидир.

Ўзим ҳам Маърифатхон маслаҳатига амал қилиб лотин ёзувини ўрганиб олдим. Зеро бу ёзув мустақиллигимизнинг алифбоси бўлиб қолажак. Ҳаётда шундай фидоий аёлларни кўрганимда бехитиёр уларнинг лавомчилари Санобархонлар, Зоҳидохонлардан ўрнак олинг ва давомчилари бўлинг дегим келади.

Маърифатхон Ҳакимова таълим беришдан ташқари маҳалла ишларида ҳам ўта фаол. У маҳалла аёллари билан ишлашда, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ўзининг қимматли маслаҳатларини аямалди. Бундан ташқари у ёшлар тарбиясида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигига асосий эътиборини қаратади. Шу сабабли Маърифатхон маҳаллада катта ҳурматга эга.

Матлуба ЭРҒАШЕВА.

ТОШКЕНТДА

ИЛК БОР

1999 йил 5 — 13 июнь
кунлари

пойтахтнинг

«ДИНАМО»

спорт мажмуаси
теннис кортларида
аёллар ўртасида

«TASHKENT — OPEN»

халқаро теннис
мусобақалари бўлиб
ўтади.



Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини
теннис байрами билан табриклаймиз!

**Турнирнинг бош ҳомийси —
Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Спорт

КУРАШЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ШАЙ

ЭРТАГА

Шахримиздаги «Юнусов» спорт саройида эркин кураш бўйича XIII Осие чемпионати бахслари бошланади. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг президенти Ахрор Рўзиёв билан чемпионатни ўтказиш тартиби, курашчиларимизнинг унга қўйиш шартлари ва ҳусусида суҳбатлашдик.

Ахрор Аҳмедович, Ватанимиз спорт ишбилармонлари бир неча ойдан бери Осие чемпионати бахслари бошлангани орқибди куттишмоқда. Бундай нуфузли мусобақанинг юртимизда ўтказилиши, албатта курашчиларимиз кейинги пайтларда эришаётган улақатларнинг меваси бўлса керак?


Едингида бўлса, 1997 йил шахримизда дастлабки «Мустикалик кубоги» халқаро турнири ўтказилиши арафасида улкан мисқабда нуфузли мусобақаларнинг биринчи босқичига чиқиш мақсадида кураш бўйича Осие чемпионати бахсларини ўтказиш тўғрисида халқаро кураш федерацияси — FILAга талабнома бергандик. Шундан кейин катта муваффақият билан ташкил этилган, жаҳон мамлакатларида кенг акс-садо берган учта «Мустикалик кубоги» бахсларини FILA мутоахассислари синчковлик билан кузатишди, спорт иншоотларимизнинг тайёргарлик даражасини баҳолашди, спортчиларимиз махоратига тан беришди. Натижанда, Эрон, Жанубий Корея, Хитой каби

Осие «Аждар»лари асосий рақобатчиларимиз бўлса-да, мамлакатимизда Осие чемпионатини қабул қилиш шарафини насиб этди. — Ўзбекистонлик курашчиларнинг чемпионатга қандай тайёргарлик қўришгани ва унда юртимиз шарафини қайси полвонлар ҳимоя қилиши тўғрисида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз. — Юнон-рум кураши усталаримиз Россия терма жамоаси билан бирга Пермида, эркин курашчиларимиз Владикавказда Осие чемпионати олдидан ўқув-машқ йиғинларини ўтказишди. Охириги тайёргарликни эса МХСК ва «Динамо» спорт мажмуаларида ўташди.

Ушбу чемпионатда илк бор эркин курашчи кизларимиз гиламга тушишди. Шахримизда бундан икки йил олдин асос солинган ушбу спорт тури билан шуғулланаётган кизларимиз Полиция академиясида чемпионатга қизгин тайёргарлик қўришди. Қизлар баҳси 46, 51, 56, 62, 68, 75 килограмм вазнларда ўтказилди ва дастлабки туртта вазнда пойтахт вакиллари бўлиши Илмира Газизова, Динара Мирзаева, Надежда Романова ҳамда Алесия Киселевалар галаба учун кураш олиб бордилар.

Юнон-рум курашида терма жамоамиз тарихидан 54 килограммга вазнда Шамсиддин Худойбердиев, 58 килограммда Дилшод Орипов ёки Аслиддин Худойбердиев, 63 килограммларда ўртасида Баходир Курбонов, 76 килограммда Евгений Ерифаёлов ёки Юрий Витт, 85 да — Зафар Очилов, 97 килограммда Исомиддин Кенжаев, 130 килограммдан ортиқ энг оғир вазнда Шермухаммад Қўзиёв ва Шухрат Саъдиевалар гиламга тушишди.

Эркин курашчиларимиз тарихида бу гал Атам Очилов, Дамир Захаритдинов,



Рамил Исмолов, Игорь Купеев, Руслан Хинчагов, Расул Катинавасов, Аслан Санакаев, Соҳсан Фраев ва Григорий Кайсиновлар ҳурмат шохсупасига кўтарилиш учун баҳс юридилар.

Ушбу чемпионатда Корея, Япония, Эрон, Покистон, Хиндистон, Сурия, Тайван, Хитой, Мўғулистон, Шимолий Корея, Филиппин, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби 17 та давлат спортчилари иштирок этди. Шунинг билан бирга катта рақибларимиз таркиби ҳам жуда кучли. Жумладан Қозоғистон терма жамоаси таркибида Манукян ва Байситов каби жаҳон чемпионлари, Олимпия ва жаҳон чемпиони Мельниченко бор, шунингдек, тарихида кўплаб жаҳон чемпионлари мавжуд Эрон, Шимолий ва Жанубий Корея, Хитой, Япония, Эрон, Қозоғистон курашчилари бу борада асосий рақибларимиз ҳисобланади. Спортчиларимизнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлиги, спорт форма-

ларидан келиб чиққан ҳолда шунинг айтишимиз мумкинки эркин кураш бўйича умумжамоа баҳсида 1-ёки 2-уринни эгаллаш, юнон-рум курашида эса кучли уликка кириш учун барча имкониятларимиз етарли.

Чемпионатга халқаро кўраш федерациясидан қиллар ташириб буюради? — FILAнинг бош котиби Михай Дюсо (Франция) бошчилигида делегация таркибидан халқаро кураш Федерациясининг вице-президенти Михай Биро (Венгрия), Осие кураш федерацияси Президентини доктор Ким Чанг Кью (Жанубий Корея) ҳакамлар мувофиқлаштирувчилари Ким (Жанубий Корея) ва Бранко Симедж (Югославия) каби нуфузли мутахассислар Осие чемпионати бахсларини кузатишди.

Фолибларга бериладиган мукофотлар, мусобақа ҳимойлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Албатта, Осие чемпионатида республика ҳукумати ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси томонидан жуда жиддий ва пухта тайёргарлик қўрилди. Хусусан, спортчиларимиз вазни ўлчанадиган учта замонавий тарази ва Венгриянинг машҳур «Телелокс» фирмаси томонидан ишланган учта табло харид қилинди. Россиядаги «Диалог» компанияси

буюртмамига мувофиқ беш хил кўринишдаги ўзига хос кубоклар тайёрлашди. Кубоклар барча совринли ўринлар соҳиб бўлган 66 нафар спортчи, 9 та жамоа ҳисобидаги фолиблар, «Энг яхши техника соҳиб» ва «Энг яхши курашчи» учун соврин сифатида, шунингдек курашни ривожлантиришга қўшган алоҳида хизматлари учун FILA вакилларига топширилди.

«Алп Жамол», «Ўзнефгазкомплект» ташкилотлари, «Ўздунробота», «Растр», «Аторлим», «Сулфур» қўшма корхоналари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирилшмаси каби корхона ва ташкилотлар турнирга ҳимойлик қилмоқда.

Муштарийларимизни чемпионат дастури билан ҳам қисқача таништириб ўтсангиз. — Бугун Осие кураш федерацияси конференцияси ва ҳакамлар семинари бўлиб ўтди. Эртага соат 16 да чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлади. 26—30 май кунлари эса ҳамюртларимиз ҳал қилувчи бешлашувлари мириқиб томоша қилишлари мумкин.

Дилшод ИСМОИЛОВ суҳбатлашди. Рашид Галиев олган сурат.



ӨНАГИНАМ

Яна келдим сўроқлаб, меҳрибоним бошимга, Парво қилмаси мени, соғинч кўз ёшимга. Мунисим онагинам, сен кетдинг, ёшиқ кетди, Кўчаларни тўлдириб юрган бебошиқ кетди. Қанчалар тафтли эди Она сенинг—қучоғинг, Сени қайдиш изласим, боғбонсиз қолган боғинг. Сен кетдинг, лек ҳайтда қолмиш Онажон изинг, Тирикман, қалбимдадир сенинг меҳр юлдузинг. Ниятларим ушайиб, орзуларга етарман, Учмас чирогинг бўлиб, руҳингни шод етарман. Эгу номинг минглаб дил уйига ёққан зиё, Она сени хотирлаб яшайди ёғур дунё. Мунисим доим қалбим меҳробиди яшайсан, Йўлчи юлдузим бўлиб ёғуришқа бошлайсан. Ҳар лаҳзада ёдингга яшай олурман ором, Бу дунёда менидан ҳам, фақат қолур яхши ном.

КЕЛ БАҲОРИМ, КЕЛ!

Қорли тоғлардан, олоқ рўмолинг, топдингму баҳор, Тошлар бағрига гулу, чечаклар ёдингму баҳор, Чирой баҳи этиб, гул боғларимдан ўтдингму баҳор, Келиб юртимга кутлуғ муродга етдингму баҳор. Масту девона, қулиб хандона, кезади шамола, Тўтиб барингни борлиқ табиат очади жамол. Кутлуғ қадаминг ташлаб саллона ороланиб кел, Юртим доғруғин ёйиб жаҳона, я-я-я ёйиб кел. Мухаббатингни ошқора айлаб, гўла бўлиб кел. Битмас-туганмас бу Гулжаҳон гула бўлиб кел. Гулжаҳон АБДУРАХМОНОВА.

Танловлар

«САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ»

Ўзбекистон Қизи Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгаши бошчилигида шахримиздаги Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида халқаро Қизи Хол ташқиқотининг 136 йиллиги муносабати билан мактаб ўқувчиларининг бирикчи таъбиий ёрдам курсининг борасидаги билимларини синая, уларни янада чуқурлаштиришга бағишланган «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда барча туманларда ўтказилган мусобақаларда катнашиб, хал қилувчи шаҳар бешлашувида йўлланма олган 11 нафар гойиб жамоалар иштирок эттишди. Мусобақа иштирокчилари низомида белгиланган сафда туриш, жиқозлар тайёрлаш, жароҳатланган, бахтсиз ҳодиса руй берган ва тўсатдан касал бўлган вазнда биринчи таъбиий ёрдам қўрсатиш, беморларни транспорт воситасида элтиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, йўл ҳаракати қоидаларини би-



лиш каби саккизта босқич талабларини баҳариш юзасидан ўзаро кўч синишдилар. Сўнг эса Қизи Ярим Ой мавзусидаги таъсирчан театраллаштирилган чиқишлари билан йилгиланган кўнлини хушнуд эттишди. — Мени айниқса, танлов катнашчиларининг даярли барчаси йўл ҳаракати қоидалари бора-сида керасли билим — кўнма-ларга эга эканликларни жуда хурсанд қилди, — деди биз билан суҳбатда мусобақа ҳақами, Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси тарғибот бўлими ходими, милиция майори Олимжон Умаралиев. Шунинг айтиш кераки, танлов-

Хар бир жамият тузилишида истабиллигини йўқли бошланчида бироз кийинчиликлар бўлади. Муस्ताқиллигимизнинг шукрли бу йил саккиз йиллик тўйини нишонлаймиз. Шу кичка давр ичинда жуда кўплаб жаҳоншумул воқеалар руй берди. «Карзга яшаб келган» давлат бугун ўз галла, несть ва бошқа муस्ताқилликларига эга бўлди. Илгари ниможон, ногиронсифат деб саналган миллиатинг йилгилари бугун жаҳон майдонларида қучлиги, чаконлиги билан бошқалардан асло қолмаётгани йўқ. Хуллас, буларнинг бари муस्ताқиллик шарафати.

«02»

ПОРАХЎРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Юртбошимиз ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағисида: ҳафсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қанчаларини» китоблариди жамиятимиз ривожига яққол тўғанок бўлувчи салбий таъсирлар ҳақида айтиб ўтганлар. «Ана шундай ҳавфлардан бири, бу — жиноятчи унсурларнинг янги ҳужралик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фалон ва ҳуфна иштирок этиши жамиятда алоҳислик вазиетини тўғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номатаъбул жинойи бозор иқтисодийнинг алоҳида тури шаклланишига олиб келади. Жамиятда жинойи «ҳуфна иқтисодийнинг» мавжуд бўлиши ушундан жиноятчилик келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли даражадаги вакиллари ҳам унинг йўлида оздирувчи таъсирга тушиб қолади. Коррупция жуғуда келиб, у энг аввало ушундан жиноятчилик ва коррупция идораларида коррупция қарши кураш бўлими ходимлари томонидан шу йилнинг шу давригача саксонга яқин ана шундай жиноятлар содир этилганлиги қайд этилди. Шунинг йилгирма яқини порахўрлик жиноятидир. Шу йилнинг март ойида ички ишлар вазирати ходимлари томонидан Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўрбасари жаноб Б. Хитой ўш кабинетида «Самар» масъулият чекланган жамиятининг директорида 50 миң сўм микдориди пора олаётганида қулга олишди. Туман раисини ва раис ўрни учун бундай одамлар асло жон қўйдиришмайди. Фалон миллион сўмлик иш қилинди дея ёлгон ҳисоботлари беришга ўрганиб қолган бундай шахслар-

нинг жамият учун ичи ачмайди. Акс ҳолда Мирзо Улуғбек тумани ахли унинг таъбири учун у идорадан бу идоратга қатнаб овера бўлишасди. У ердигилар эса битта сўзни айтиш билан бўлади. Усталар йўқ. Материал йўқ. Кимнингдир томондан йиллаб чакка ўтса ҳам масъул ташкилотнинг паровий палка. Бугун унинг нима ҳамда юрганлиги маълум. Изоҳга ҳождат йўқ. Порахўрликда «Ўзбекинов» давлат гастроль-концерт бирилшасининг бўлим бошлиғи Т. Ж. ҳам туман ҳокими ўрнбосарида асло қолишмас экан. У ҳам хусусий тадбиркорнинг адоқасеталари ва лазерли қомпақ-дискларини қўтариб бериш эвазига 650 долларини ўш хонасида олаётганида томоғидан илинди. Аникроғи ҳаром тешиб чиқди.

Муस्ताқиллик шарафати билан юртимизда ишбилармон, тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бугун ўзбекистон молини жаҳон бозорларида урчатиш оддий бўлиб қолган. Бироқ тадбиркор ишбилармон никоҳида улуснинг мулкни талон-тарож қилётган баъзи бирояларни қандай аташни ҳам билмайди. КПТ «Баъзи» деб номланувчи бироз лот директори жаноб И. И. Республика тадбиркорлини қўллаб қувватлаш жамғармасидан қўллаш қўлланмада 1286 000 сўмлик кредитга олади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида берилган бу пуллари у ўш шахсий мақсадида ишлатди. Ҳам йилнинг охирида жаноб И. И. ва ҳамтовокларининг давлатга етказган зарари 24.861.000 сўмни ташкил этди. Ҳозирги пайтда ушбу ҳолат юзасидан жинойи иш қўзғатилган бўлиб тергов давом этмоқда.

Ҳодимлар томонидан «Бах» масъулият чекланган жаҳон теширилганда директор жаҳон иқтисодиётида ишбилармон масъулият чекланган жамият, «Олмос», «Тоғазиди», Қорахоннов номи, «Аскар» ва бошқа хусусий фирмалар билан мол етказиш бўлими билан бироз шартнома тузади. Бироқ у «Бах» ҳисоб рақобига тушган пуллари нақд қилиб олади-ю шартнома баҳармайди. Шу йилнинг март ойида ички ишлар вазирати ходимлари томонидан Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўрбасари жаноб Б. Хитой ўш кабинетида «Самар» масъулият чекланган жамиятининг директорида 50 миң сўм микдориди пора олаётганида қулга олишди. Туман раисини ва раис ўрни учун бундай одамлар асло жон қўйдиришмайди. Фалон миллион сўмлик иш қилинди дея ёлгон ҳисоботлари беришга ўрганиб қолган бундай шахслар-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

УМУМАН БЕПУЛИ!! "ЯНГИОБОД" универсал улғуржи савдо мажмуи БУЮМ БОЗОРИДА БАРЧА ТАДБИРКОРЛАРГА ПУЛ ИШЛАБ ОЛИШ ИМКОНИНИ ЯРАТИБ БERAДИ. Энг гавжум мавзе, савдо учун барча шароит муҳайё. ЖОЙ ҲАҚИ ОЛИНМАЙДИ. Манзил: Янаобод, Марказ, Строительная кўчаси, 1. Тел.: 99-39 66, 195 07 34.

ТАБРИКЛАЙМИЗ! Азиз фарзандимиз Зиёвуддин! Сени тугилган кунинг билан чин юракдан қутлаймиш. Оила азозларинг номидан отанг Насриддин Тожибой ўғли.

ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ! Бухгалтер, банкир-иқтисодчи, молиячи, коммерсант, аудитор, менежер мутахассислигини эгаллаш учун ТОШКЕНТ ТИЖОРАТ ТЕХНИКУМИТА. Ўқишга кириб, бу ниятингизга эришишингиз мумкин. Ўқишга МАРҲАМАТ! Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 105-уй. Трамвайлар: N 7, 28, 26. Троллейбус: N 15. Автобуслар: 32, 57, 58, 69, 79. «Қон қўйиш институти» бекати.

Тошкент шаҳридаги 47-хунар-техника билим юрти томонидан 1997 йили Абдуқайор Паттохов номига берилган № 082082 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09. Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2. Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.